


Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyqa - الماتريدية - Матуридизм



**SLIB.UZ**  
Scientific library of Uzbekistan

3/2024

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**

**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**

**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**

**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**

**Зарифжон Ғуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Тахририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.org

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Qosimjon Sodiqov

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi ..... 4

#### Shukrullo Jorayev

Ханафий мазхабида тинчликнинг кадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари ..... 17

#### Ikhtiyor Abdurahmonov

XI-XII asrlarda Movarounnaxrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожи ..... 25

#### Abdullo Ghulomov

Махмуд Ломишийнинг «Тамҳид» асарида имон ва унга боғлиқ масалалар баёни ..... 32

#### Zohidjon Abdullayev

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

#### Abdulaziz Yakhshilikov

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari ..... 47

#### Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

### ДИНШУНОСЛИК

#### Jamshid Aliev

Сурия мижаросида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 62

#### Ulugbek Jurayev

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили ..... 70

### ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

#### Irodakhon Gafurova

Scientific research dedicated to the confessions of Turkestan..... 77

#### Zafar Fakhriddinov

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи ..... 83

#### Javohir Azimqulov

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

#### Abduvali Pardayev

Нусайр ибн Яҳё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти ..... 97

Jamshid R. ALIEV,

Employee of the Committee on Religious Affairs  
under the Cabinet of Ministers Republic of Uzbekistan  
Committee on Religious Affairs Navoi str. 12. 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: jamshid-aliyev@ya.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/8

## СУРИЯ МОЖАРОСИДА ДИНИЙ ОМИЛНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### CHARACTERISTICS OF THE RELIGIOUS FACTOR IN THE SYRIAN CONFLICT

### ХАРАКТЕРИСТИКА РЕЛИГИОЗНОГО ФАКТОРА В СИРИЙСКОМ КОНФЛИКТЕ

#### КИРИШ

Суриядаги беқарор вазият бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили унда диний омилнинг ўрни юқори эканини кўрсатмоқда. Суриядаги инқилоблар даставвал демократик тамойиллар асосида бошланган бўлса-да, босим остидаги аҳолининг ҳуқуқлари паймол қилинган сунний қатлам экани, такфирий-жиходий гуруҳлар мазлум мусулмонларга ёрдам бериш шиори остида минтақага кириб келиши натижасида дин омили тезда ортиб кетгани кўринмоқда.

Суриядаги беқарор вазиятда дин омилнинг кўринишлари серқирралиги билан намоён бўлади. Бу кўп векторли жараёнда дин билан боғлиқ ғоя ва мафқуралар жиддий ўрин тутганини кўрсатади. Суриядаги дин омилни шартли равишда бир неча ходисаларга таснифлаган ҳолда алоҳида кўрсатиш зарур. Биринчидан, тарих мобайнида Суриядаги этно-конфессионал хилма-хиллик ва улар орасида рақобатнинг мавжудлиги; иккинчидан, йиллар давомида сунний қатлам орасида «Мусулмон биродарлар» ва салафийлик оқимининг қарашлари ёйилиб, бу ҳуқуматга қарши барьерни пайдо қилгани; учинчидан, ташқи кучлар орқали турли такфирий-жиходий қарашдаги ёндашувларнинг авж олиши ҳамда экстремистик ва террористик руҳдаги гуруҳларнинг минтақага кириб келишини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Суриянинг тарихий ва маданий илдизларини тадқиқ қилиш натижасида уларда доимо диний омилнинг ўрни бўлгани кўзга ташланади. Тадқиқотчи Р.Камакнинг фикрича, «Сурия тарихини шакллантиришда дин муҳим рол ўйнаган, унинг маданий ривожланишига таъсир қилган ва Яқин Шарқдаги геосиёсий мавқеига таъсир кўрсатган. Тарихан, Сурия цивилизациялар ўчоғи бўлиб, йирик империялар ватани ва турли диний анъаналар чорраҳаси бўлган» (Kamak R., 2024:2).

Дарҳақиқат, Суриядаги зиддиятлар илдизи тарихий ва маданий жиҳатларни ўз ичига олади. Бир томондан ислом билан бир қаторда христианлик, яҳудийлик каби ўзаро динларнинг рақобати мавжуд бўлса, бошқа томондан, исломдаги йўналишлардан суннийлар ва шиалар ҳамда улар орасида алавий, нусайрий оқимлари, друзлар каби янги маргинал секталар ичра қарама-қаршиликларни кўриш мумкин.

Р.Камак ўз тадқиқотида келтиришича «Суриядаги диний омилларни белгиловчи жиҳатлардан бири бу мамлакатдаги диний хилма-хилликдир. Сунний мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилади, ундан кейин шиалар ва насроний жамоалари туради. Бундан ташқари, диний мансубликнинг мураккаб мозаикасига ҳисса қўшадиган алавийлар ва друзлар каби кичикроқ оқимлар мавжуд. Шиаларнинг бир тармоғи бўлган алавийлар Сурия сиёсатида, айниқса Асад оиласи ҳукмронлиги даврида муҳим рол ўйнаган. Турли хил диний ландшафт мураккаб динамикани яратади, унда турли жамоалар бирга яшайди, аммо тарихий ва теологик фарқлар билан курашади» (Kamak R., 2024:2).

Х.Долама ва Н.Омельченко тадқиқотларида ҳам мазҳаблараро зиддиятлар келтириб ўтилади. Уларнинг қайд этишича «Бу минтақада турли этник ва диний гуруҳлар мавжуд бўлиб ушбу гуруҳлар куч ҳамда ресурслар учун рақобатлашиши, бу эса кескинлик ва низоларга олиб келиши мумкин. Мисол учун Суриядаги можаро фуқаролар уруши сифатида бошланган, аммо вақт ўтиши билан суннийлар, шиалар, курдлар каби турли этник ва диний гуруҳлар ўртасидаги зиддиятга айланган» (Долама Х., Омельченко Н.А., 2024:297).

**Аннотация.** Ушбу мақолада Суриядаги беқарор вазиятда диний омилнинг роли ҳар томонлама ўрганилган. Инқилоблар дастлаб демократик тамойиллар асосида бошланган бўлса-да, қисқа вақт ичида турли диний оқимларнинг аралашуви, хусусан, такфирий-жиҳодий гуруҳларнинг «мазлум мусулмонларга ёрдам бериши» шиори остида минтақага кириб келиши натижасида мураккаблашган. Мақолада Сурия жамиятидаги этник ва конфессионал хилма-хиллик, тарихий рақобатлар ва ташиқи кучларнинг диний омилга таъсири ўрганилиб, ижтимоий адолатсизлик, ҳукуматнинг авторитар бошқаруви, коррупция ва иқтисодий номутаносиблик каби ички муаммолар натижасида юзага келган диний зиддиятлар ҳам таҳлил қилинади.

Шунингдек, қўзғолонлар жараёнида диний ақидаларнинг қандай шаклланиши, турли фатволарнинг ижтимоий низоларга таъсири, диний раҳнамоларнинг сиёсий жараёнлардаги роли ва уларнинг турли йўналишлардаги нуқтаи назарлари ўрганилган. Қолаверса, маҳаллий аҳолининг диний қарашлари ва уларнинг ташиқи кучлар билан ҳамкорлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, тинчлик ва ярашув жараёнида диний омилларни ҳисобга олиши зарурлигини таъкидланган. Шу билан бирга, турли кучлар ўртасида музокараларни йўлга қўйиши ва ижтимоий бирдамликка эришиши борасида тўсиқларни енгиб ўтиши учун тавсиялар берилган. Халқаро ташиқлотлар ва минтақавий кучларнинг Суриядаги диний муаммоларни ҳал қилишидаги ўрни ва уларнинг ёрдам кўрсатиши бўйича механизмлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Сурия, беқарорлик, диний омил, можаролар, этник хилма-хиллик, музокаралар, халқаро ташиқлотлар.

**Abstract.** This article provides an in-depth examination of the role of religious factors in the instability in Syria. While the revolutions initially began on democratic principles, they quickly became complicated by the involvement of various religious sects, particularly with takfiri-jihadist groups entering the region under the banner of «helping oppressed Muslims». The article explores the ethnic and confessional diversity within Syrian society, historical rivalries, and the impact of external forces on religious dynamics. It also analyzes the internal issues leading to religious conflicts, such as social injustice, authoritarian governance, corruption, and economic disparities.

The article further investigates the development of religious doctrines during the uprisings, the impact of various fatwas on social conflicts, the role of religious leaders in political processes, and their differing perspectives. Special attention is given to the local population's religious beliefs and their cooperation with external forces. The necessity of considering religious factors in peace and reconciliation processes is emphasized. The article also offers recommendations for overcoming obstacles to initiating negotiations and achieving social cohesion among various factions. The role of international organizations and regional powers in addressing religious issues in Syria, as well as their assistance mechanisms, is analyzed.

**Keywords:** Syria, instability, religious factor, conflicts, ethnic diversity, negotiations, international organizations.

**Аннотация.** В данной статье всесторонне исследована роль религиозного фактора в условиях нестабильной ситуации в Сирии. Несмотря на то, что революции начинались на основе демократических принципов, в короткий срок в них начали активно участвовать различные религиозные течения, в частности такфиристские и джихадистские группы, которые под лозунгом «помощи угнетённым мусульманам» вторглись в регион, что привело к усложнению ситуации.

В статье исследуются этническое и конфессиональное разнообразие сирийского общества, исторические конкуренции, а также влияние внешних сил на религиозную ситуацию. Особое внимание уделено внутренним проблемам, таким как социальная несправедливость, авторитарное управление, коррупция и экономическое неравенство, которые стали основными причинами религиозных конфликтов.

Кроме того, анализируется, как в ходе восстаний формировались религиозные идеологии, как различные фетвы оказывали влияние на социальные конфликты, а также как религиозные лидеры влияли на политические процессы и какие взгляды они высказывали по различным вопросам. Отдельно рассматриваются религиозные взгляды местного населения и их сотрудничество с внешними силами, подчеркивая необходимость учета религиозного фактора в процессе миротворчества и примирения.

В статье также приводятся рекомендации по преодолению препятствий для налаживания переговорного процесса и достижения социальной сплочённости. Анализируется роль международных организаций и региональных сил в решении религиозных проблем в Сирии и механизмы их поддержки.

**Ключевые слова:** Сирия, нестабильность, религиозный фактор, конфликты, этническое разнообразие, переговоры, международные организации.

## МУҲОКАМА

Яқин Шарқдаги, хусусан Суриядаги муаммоларга асосий сабаб сифатида ижтимоий адолатсизлик ва ҳукуматнинг авторитар бошқарувчи каби ички муаммолар ҳам кўрсатилган. Г.Аракелян фикрича, «Можаронинг катализатори ва кўзгатувчиси бўлган мамлакатдаги ички муаммолар фуқаролар урушига айланган норозилик намоёнликлари учун қулай замин яратган. Аҳолининг бир қисмининг ўз мавқеи ва умуман ижтимоий-сиёсий тузумдан норозилиги, президент Башар Асаднинг авторитар бошқарув услуби, отаси Ҳофиз Асаднинг хатолари келтириш мумкин. Бунда ҳокимият тузилмаларида алавий озчиликнинг номутаносиб юқори улуши, коррупция, диний ва этник-конфессиявий қарама-қаршиликлар, қурд муаммоси ва бошқалар ҳақида гапириш мумкин (Аракелян Г., 2015:6).

Бундай ёндашувни Х.Альмехраз ҳам кўтариб чиқади. Унинг фикрича, ҳукуматнинг шахар ва қишлоқ ҳамда шиа ва сунний каби мансубликка қараб адолат қилмагани аҳоли орасидаги норозиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. У бу ҳақида «Айниқса, 2000-йилларда Б.Асаднинг иқтисодий ислохотлари даврида, аҳолининг сунний қатлами истиқомат қиладиган қишлоқларнинг бузилиши натижасида янада қашшоқлашиш ҳолатлари кузатилар экан, исломий ташкилотнинг ташвиқоти кучайганини кўриш мумкин. Шу боис Сурияда сунний кўпчиликнинг ҳукмронлиги фойдасига диний асосда сиёсий реформация қилиш ғоялари сунний аҳолининг ижтимоий норози қатламлари орасида қулай замин топмоқда (Альмехраз Х., 2018:20-26).

Тадқиқотчи А.Сайфиева ҳам аксарият алавийлардан иборат ҳукмрон табақанинг ижтимоий мувозанатни бузилишида ҳиссаси борлигини тасдиқлайди. Унинг фикрича, «Суриядаги динлар ва халқлар ўртасидаги зиддиятлар можаролар ва араб баҳори жараёнини кучайтирди. Диний қарашлардаги тафовутлар кенг кўламли фуқаролар урушига олиб келди. Шунингдек, Суриянинг ҳукмрон элитаси алавийлардир, бу эса Сурия халқининг кўпчилигини ғазаблантирмоқда, чунки шиа ва суннийларнинг ўзаро диний муносабатлари жуда салбий (Сайфиева А., 2016:7).

Суриядаги беқарор вазият мазҳаблараро муносабатлардаги мувозанат ва адолатнинг

бузилиш ҳолатлари бошқа тадқиқотларда ҳам кўрсатиб ўтилган. Шу ўринда айтиш лозимки, суннийлар кўпчиликни ташкил этса-да, озчилик бўлган алавийлар билан таққослаганда баъзи сиёсий «имтиёзлар»дан четда қолган. Тадқиқотчи С.Валтер ҳам «Сурия можаросининг авж олишида диний масала алоҳида ўрин тутган. Сурияда аҳолининг аксарияти ислом динига эътиқод қилади, уларнинг 75 фоизи сунний мусулмонлардир. Айни пайтда ҳокимият тепасида диний озчиликлардан бири – алавийлар вакиллари турибди. Ушбу номутаносибликка эътибор қаратган радикал мусулмон муҳолифатчилар Дамашқдаги алавийлар режимини қуролли равишда ағдариш зарурлигини таъкидладилар, бу эса кейинчалик қарама-қаршилик бошланишининг сабабларидан бирига айланди, деб ёзади (Маршук Д., 2014:2).

Шунингдек, Сурияда фуқаролик урушидан сўнг ҳам мазҳаблараро зиддият билан боғлиқ ҳолатлар сақланиб қолгани, балки янада кучайганини айтилади. У «Этник келиб чиқиши, шунингдек, турли қуролли кучлар таркибига оид маълумотларга қараганда, Сурия инқирози мазҳабларга боғлиқ: ҳукумат ҳарбий кучларини асосан алавий озчиликдан (хорижий шиа ҳамкорлари кўмагида) офицерлар ва аскарлар бошқаради. Қуролли муҳолиф гуруҳларда эса сунний унсурлар устунлик қилади, деб таъкидлайди (Сайфиева А., 2016:7).

Бирок, олим бундай зиддият муайян бир террорчи гуруҳларнинг кириб келгани билан боғлайдиган қарашларни шубҳа остига олади. Мазҳаблараро зиддиятлар аввалдан баъзида актив баъзида пассив ҳолатда бўлганини айтади. Унинг фикрича, «ИШИД Сурияда мазҳаблараро бўлинишларни кучайтираётгани ҳақидаги тахмин икки сабабга кўра шубҳали: биринчидан, ИШИД асосан ҳукумат кучлари катта концентрацияга эга бўлмаган минтақада фаолият юритаётган хорижий гуруҳдир ва мазҳаблараро бўлинишлар Суриядаги фаолиятдан аввалроқ бўлган» (Валтер С., 2014:21).

Б.Женкинс ҳам ўз тадқиқотида Сурия ҳукуматига қарши исёнларнинг ўзи мазҳаблараро хусусиятга эга эканини кўрсатиб кетади. У «Башар Асад режимига қарши кўзғолон сифатида бошланган нарса мазҳаблараро фуқаролар урушига айланди. Худди шу қарама-қаршиликлар Ироқ уруши пайтида ҳам намоён бўлган, аммо Сурия суннийлар, шиалар, алавийлар (шиа мазҳаби), насронийлар, друзлар, қурдлар ва

бошқаларнинг анча мураккаб мозаикасидир. Миллий институтлар тараққий этар экан, ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва омон қолиш кўпроқ этник ва диний ўзига хосликка асосланади, деб ёзади (Женкинс Б., 2013:7).

Р.Камак Сурия масаласидаги фикрларни давом эттириб, бунда диний тангликни кучайтирган қуйидаги сабабларни келтириб ўтади. Унинг фикрича, «2011 йилда бошланган Сурия фуқаролар уруши мавжуд диний таранглик ва бўлинишларни янада кучайтирди. Асад режими, асосан алавийлар турли сунний гуруҳларнинг қаршиликларига дуч келди, бу эса диний асосдаги зиддиятга олиб келди» (Камак Р., 2024:3).

Х.Долама ва Н.Омельченко тадқиқотларида жамиятда диний мансубликка қараб бўлиниш оқибатлари ўта салбий номуносивбликни келтириб чиқариши ҳақида фикр билдирадilar. Уларнинг фикрича, «араб дунёсида можароларга олиб келиши мумкин бўлган баъзи сабаблар орасида иқтисодий номуносивблик, сиёсий камситиш, диний ёки этник бўлиниш, адолатсизлик ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши киради. Буларнинг барчаси одамлар ва гуруҳларнинг мавжуд режимларга қаршилиқ кўрсатишга ва турли сиёсий ёки диний оқимларнинг тарафдорларига айланишига олиб келиши мумкин» (Долама Х., Омельченко Н.А., 2024:296).

Юқорида зиддиятнинг ўсиб боришида «Мусулмон биродарлар» ва салафийлик қарашлардаги шахсларнинг очикдан-очик ҳукумат ва унинг тарафдорлари, хусусан алавийларга қарши фатво ва адоватли муносабатлари ҳам сезиларли даражада таъсир қилган.

Бундай фикрни Л.А.Шумилова ва Я.Я.Гришинлар ҳам қуйидигича тасдиқлайди: «Сурияда фуқаролар ўртасида қарама-қаршилиқнинг ички ва ташқи иштирокчилари кўп. Иштирокчилар орасида исломни мафкура сифатида танлаган турли радикал гуруҳлар алоҳида ўрин тутади» (Шумилова Л.А., Гришин Я.Я., 2020:165-173).

Тадқиқотчи С.Валтер «Мусулмон биродарлари» ва «салафийлик» қарашлардаги бир қатор шахсларнинг фатволарини келтириб ўтади. Жумладан Сафват Ҳигазий, 2012 йилда Б.Асадни ўлдиришга чақирувчи фатво берганини айтади. Унинг сўзларига кўра, Сурия президентининг ўлдирилиши барча мусулмонларнинг ғами

бўлиши керак (Валтер С., 2014:19-20). Мазкур тадқиқотчи бундан бошқа ҳукумат раҳбари ва алавийларга қарши қаратилган фатво берганлардан саудиялик Солих Лухайдон, ливанлик Аҳмад ал-Асир кабиларни санаб ўтган (Валтер С., 2014:21).

Сурия можаросида «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг йиллар давомида тарғибот олиб боргани ва бу ҳолат муҳолифат кучларини ташкил этганини, уларнинг асосий мақсади норозилик билдириш ҳаракати ортида исломий давлатни барпо этиш яширин ғояси мавжудлигини тадқиқотчи Х.Альмеҳраз ҳам таъкидлаб ўтади (Альмеҳраз Х., 2018:20-26).

Шунингдек, С.Валтер ўтган асрнинг 80-йилларида Сурия ҳукуматининг босими сабабли Саудияга кўчиб кетган салафийлик қарашларидаги Аднон Арур<sup>1</sup> тақфирий тушунчадаги шахснинг Ибн Таймия фатволаридан фойдаланганини айтиб ўтади. Олимнинг тадқиқотларида Аднон Арур Кувайт телеканалларидан бирида алавийларни бир неча гуруҳга таснифлаб, Сурия режими билан ҳамкорлик қилганларга «Муқаддас жойларни таҳқирлаганлар сўйилади ва уларнинг гўшти итларга берилади» деган муносабатда бўлиш ҳақидаги иқтибос келтириб ўтилган. С.Валтер машхур олим Юсуф Қарзовий<sup>2</sup>нинг ҳам Сурия ҳукуматини танқид қилиш билан адоватни кучайтиришда ҳисса қўшганини айтиб ўтган (Валтер С., 2014:18).

С.Валтер машхур олим Юсуф Қарзовийнинг<sup>3</sup> ҳам Сурия ҳукуматини танқид қилиш билан адоватни кучайтиришда ҳисса қўшганини айтиб ўтган (Валтер С., 2014:18).

Олима Е.Корчагина ҳам алавийларга қарши қаратилган экстремистик руҳдаги фатволарни ўрганиб чиққан. У мамлакат ичидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг салбийлиги, алавий эътиқоддаги элитанинг сунний қарашдаги қатламнинг ҳуқуқларини бузгани ҳамда улар орасида нафратнинг нақадар кучли бўлганини кўрсатиб кетади. Унинг фикрича, «Суннийлик эътиқодига амал қилувчи ва ҳарбий алавийлардан, шунингдек, Асад уруғи ва унинг атрофидагилардан норозилигини билдирмоқда. Улар президентни ағдариш режасига

<sup>1</sup> Аднан Муҳаммад Арур 1948 йил туғилган суриялик салафий даъватчи.

<sup>2</sup> Юсуф Абдуллоҳ Қарзовий (1926-2022) мисрлик воиз, уламо.

<sup>3</sup> Юсуф Абдуллоҳ Қарзовий (1926-2022) мисрлик илоҳиётчи, факих.

амал қилишди, лекин айна пайтда алавий сиёсий элитасини қисман суннийлар билан алмаштириб, ҳукмрон партияни сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Алавий элитасининг айрим вакиллари ташқи омиллар таъсиридан рози бўлиш учун демократия ва эркинлик ҳақида гапирадilar. Алавийларга салбий муносабатда бўлган мусулмон радикалларнинг шиори қуйидагича бўлган: «Христианлар Ливанга, алавийлар қабрга». Буларнинг барчаси келажакда алавийларни йўқ қилишга чақирувчи фатволарнинг пайдо бўлишига олиб келди, бу эса ўз навбатида этник тозалаш ва оммавий шафқатсиз қатағонларга олиб келди (Корчагина Е.В., 2020:203).

Х.Альмехраз Суриядаги шаклланган мухолифат кучларнинг исломийлашуви ва турли экстремистик қарашдаги гуруҳларнинг пайдо бўлишида «Мусулмон биродарлар» ва салафийлик оқимининг ташвиқотлари катта ўрин тутганини таъкидлайди. Радикал кайфиятдаги мухолифатчилар дунёвий қарашдаги демократик ислохотларни талаб қилган гуруҳлардан алоқаларини узиб, исломий давлат қуриш ғояларини очикча билдирираётганини айтиб ўтади. Унинг фикрича, «Фукарлар урушининг тартибсизликлари билан «Мусулмон биродарлар» ҳам, маҳаллий салафийлар ҳам яширинган жойдан чиқиб, фаол ҳаракат қила бошлайди. Этно-конфессионал мувозанатни сунний кўпчиликка максимал ҳуқуқлар бериш йўналишида қайта кўриб чиқиш ғояси, улар томонидан фаол равишда илгари сурилган ва табиийки, қизғин муносабатда бўлинади. Шунинг учун уларнинг сафлари доимий равишда маҳаллий жангарилар билан тўлдирилади. Агар, аввалги мухолифатчилар дунёвий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган бўлса, салафий мухолифат ташкилотлар улар билан муносабатларни тезда узиб, Сурия ҳудудида ислом давлатини яратишни очик қўллаб-қувватламоқда (Альмехраз Х., 2018:20-26).

Тадқиқотчи В.Аҳмедов фикрича аслида Суриядаги радикаллашув ва турли экстремистик гуруҳларнинг таъсирининг кучайиб кетишида ҳукуматнинг роли катта бўлган ва ташқи сиёсатда диндан фойланиш оқибатида назоратдан чиқиб кетган ташкилотларнинг пайдо бўлишига замин яратган. У бу ҳақида «Сурия ҳукумати томонидан Фаластин ва Ливандаги исломий қаршиликни қўллаб-қувватлаш сиёсати Сурия ички қисмидаги

тушкун ҳудудларда консерватив диний туйғуларни кучайтирди. Бу шундай ҳудудлар аҳолисининг энг радикал ғояларга мойил бўлишига олиб келди. Шу билан бирга, Сурия жамиятида мўътадил исломнинг роли пасайиб, бу аҳолининг ҳукумат сиёсати ва мафқурасини идрок этишида экстремистик кайфиятни кучайтирди, деб таъкидлайди (Аҳмедов В.М., 2023:9).

Тадқиқотчи Х.Альмехраз мухолиф кучларнинг қарашларига қараб дунёвий ва диний тарзда бўлиш мумкинлиги, лекин бундаги чегара ўта нозик экани, уларнинг қарашларида демократик тамойиллардан радикаллашувга қараб тадрижий ўзгариб борган дейиш тўғривроқ, деб баҳолайди (Альмехраз Х., 2018:20-26).

Е.Обагининг тадқиқотларида ҳам Сурия мухолифати бутунлай дунёвий кучлар назоратида эмаслигини тан олади. Аксинча, уларнинг катта қисми исломий ғояларни кўтариб чиққанини таъкидлайди. Бу мухолифат ҳаракатининг исломийлашуви ҳақидаги хавотирларнинг кучайишига олиб келди ва инқилобчилар бир пайтлар Сурия фукарлик норозилик намойишларининг моҳиятини белгилаб берган демократик ва плюралистик тамойилларни эътибордан четда қолдирганидан кўрқишади, деб фикр билдиради (Обаги Е., 2012:9). Яъни, ҳукумат радикал гуруҳлар билан мурасага бормаслиги нуктаи назардан демократик ислохотларни талаб қилган мухолифатнинг уринишлари беҳуда кетгани дунёвий кучларнинг умидини сўндиради эди. Шу сабабли ҳукумат билан мухолифат ўртасидаги мурасага диний омилларнинг аралашуви ўртадаги сулҳ ва келишувларни ортга суриши борасида Р.Камак қуйидагича таклифларни беради. Унинг фикрича, «Суриядаги диний омиллар ярашув ва қайта қуриш учун жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Диний жамоалар ўртасидаги ўнлаб йиллар давом этган низолар туфайли келиб чиққан чуқур ишончсизлик ва душманлик барқарор тинчликка эришиш учун эҳтиёткорлик ва инклюзив ёндашувларни талаб қилади. Турли диний гуруҳлар ўртасида ишончни тиклаш учун шикоятларни кўриб чиқиш, бошқарув тузилмаларида вакилликни таъминлаш ва динлараро мулоқотни ривожлантириш зарур (Камак Р., 2024:4).

Гарчи, дастлабки шиорлари дунёвийлик руҳида бўлган «Сурия озодлик армияси» қуролланган мухолифат кучи суннийлар ва бошқа

диний ва этник жамоалар ўртасидаги мувозанатни сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кенг қўламда қайта қўриб чиқишга чақирган бўлса-да, улар мамлакатнинг сунний муҳити билан ҳеч қачон алоқани узмаган, деб таъкидлайди Х.Альмехраз (Альмехраз Х., 2018:20-26).

Бошқа бир олим Ю.Босиннинг фикрича, радикал қарашдаги тушунчалар ҳар қандай низоларни кўзғатишда универсал восита ҳисобланади. Ҳатто энг мўътадил давлатларда ҳам нисбатан мутаассиброқ қарашдаги кучлар мавжуд бўлиб, улар амалдаги режимни ағдариш ва жамиятни қайта қуриш ғоялари учун курашади, деб фикр билдирган (Босин Ю., 2001:184).

Тадқиқотчи В.Аҳмедов Сурияда фуқаролар уруши бошланган сўнг муҳолифат сафидаги исломий йўналишдаги жангари гуруҳлар сони бир йил ичида 1200тани ташкил этгани ҳақидаги маълумотни беради (Аҳмедов В.М., 2023:9).

Х.Альмехраз «Мусулмон биродарлар» таъсиридаги «Сурия озодлик армияси» ташкилотининг йирик исломий гуруҳлар билан иттифокда бўлгани, баъзи стратегик дунёвийлик жиҳатлари учун ҳатто улардан узоқлашиб турганини таъкидлайди (Альмехраз Х., 2018:20-26).

Р.Камак бундай ҳарбийлашган радикал гуруҳларни минтақадаги манфаатдор давлатлар ўзларининг келиб чиқишига мансублигига қараб қўллаб-қувватлашгани мазҳаблараро зиддиятни янада кучайтириб, низоларни чўзилиб кетганини айтиб ўтади (Камак Р., 2024:3).

Д.Тренин тадқиқотларида жиҳодий унсурларнинг кўптомонлама тўқнашувларга сабаб бўлиши, бир вақтнинг ўзида сунний ва шиалик, араб ва курд зиддиятларини келтириб чиқариши хавотирли эканини қайд этади (Тренин Д., 2013:17).

Мавжуд вазият радикал исломий ғояларнинг кучайиши учун энг қулай бўлиб чиққани, ҳукуматнинг мурасасиз позицияси мустаҳкамланганини, ташқаридан кириб келган жиҳодий ғояларга матрица бўлиб хизмат қилганини (Аҳмедов В.М., 2023:9) тадқиқотчи В.Аҳмедов айтиб ўтади.

## НАТИЖА

Тадқиқотчи Р.Камакнинг Суриядаги диний вазият ва мажора юзасидан қуйидаги таклифи диққатга сазовор. Унинг фикрича, «Сурияда тинчликка эришиш ва қайта қуриш саъй-

ҳаракатлари унинг аҳолиси ҳаётида диний омилларнинг марказий ролини тан олиши керак. Диний хилма-хилликни ҳурмат қилган ҳолда, можаронинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини ҳисобга оладиган яхлит ёндашув Сурия учун барқарор ва қамраб олувчи келажак учун зарур. Халқаро ҳамжамият, минтақавий кучлар ва маҳаллий ўйинчилар мураккаб диний ландшафтни йўлга қўйиш ва диний ўзига хослик бўлинишни эмас, балки бирликни тарғиб қиладиган Сурияни яратиш учун биргаликда ҳаракат қилишлари керак» (Камак Р., 2024:6).

Б.Женкинс томонидан қуйидаги иқтибос келтирилади. Унга «2013 йил март ойи бошида Британия ташқи ишлар вазири Уилям Хейг: «Сурия ҳозир жиҳодчилар учун асосий манзилга айланди», деди. У айтаётган жиҳодчилар бир қатор суриялик исёнчи гуруҳлар таркибида жанг қилган сунний мутаассиблар эди», деб қайд этади (Женкинс Б.М., 2024:3).

А.Яковлев ўз тадқиқотларида жиҳодий чақирикларнинг бошқа ғоялардан устун бўлиб кетиши, унинг жозибадор эканини Ироқдаги воқеалар мисолида изоҳлаб кетади. У «2003 йилда Америка босқинига Ироқ жамиятининг муносабати нафақат антиамериканизм, балки жиҳод байроғи остида диний ақидапарастликнинг тез кучайиши ҳам аҳамиятли. Ижтимоий тузумнинг илдиз (цивилизация) унсурларидан бири бўлган диний тамойил панарабизм, социализм, миллатчилик мафқураларидан кам эмас, балки барқарорроқ бўлиб чиқди, деб таъкидлайди (Яковлев А.И., 2015:7-19).

Сурия фуқаролари уруш авжига чиқаётган бир пайтда, яъни 2013 йил март ойида машҳур олим, шайх Муҳаммад Саъид Рамазон Бутийнинг масжиддаги дарс пайтида ўлдирилиши вазиятни янада чигаллаштирган. Чунки бу олим ҳукумат ва муҳолифат ўртасидаги сулҳга қадам қўйишдаги сўнгги ришта вазифасини ўташи мумкин эди. У намойишлар бошланишиданок халқни эҳтиросларга берилиб хато қилиб қўймаслик, тинчликни кадрлаш, мусулмонларни фитнага учмаслик ҳақида ваъзлар қилар эди.

С.Валтер ҳам ўз тадқиқотларида Бутийнинг аҳамиятини кўрсатиб кетган. Тадқиқотчи мазкур шайхнинг салафийликка қарши позицияси борлиги, беқарор вазият ортида ташқи кучлар

тураётгани хақида огоҳлантиргани, хатто Сурия армияси сафида фитначиларга қарши курашишга чақирганини таъкидлаб ўтади (Валтер С., 2014:6-7).

Тадқиқотчи А.Сайфиева Сурия вазият юзасидан зиддиятнинг сабабларини ўрганиш орқали ҳал этиш мумкинлиги хақидаги ғояни илгари суради. Унга кўра урушни кўзғатган асосий сабаблар мавжуд. Улар ижтимоий-иқтисодий, диний, бошқа субъектларнинг аралашуви, интервенция ва геосиёсий муаммолар деб таснифланган (Сайфиева А.И., 2016:6).

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Суриядаги илк намойишлар, норозилик ҳаракатларидан тортиб то фуқаролар урушига қадар, турли сиёсий ва террористик кучларнинг конфронтацияси давомида диний омилнинг ўрни бўлганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Дастлабки намойишлар демократик ислохотлар учун ўтказилган бўлса-да, аслида жамиятнинг ички қарама-қаршилигида радикал ғоялар урчиган эди.

Сурия жамиятининг кўп томонлама этно-конфессионал хилма-хиллиги улар орасидаги ижтимоий адолатнинг бузилиши сабабли диний асосдаги зиддиятни келтириб чиқарган. Бағрикенглик тамойиллари ҳар иккала тарафдан бузилишига сабаб бўлган.

Мазҳаблараро зиддиятлар, хатто душмани бир бўлган мухолиф кучлар орасида тарафқашлик, экстремистик гуруҳлар орасида такфирнинг қўлланилиши, нисбатан мўътадил бўлган «Сурия озодлик армияси», радикал қарашдаги «Жабҳат ан-нусра» ва ИШИД каби йирик террорчи ташкилотлар муросасизлиги Суриядаги бекарор вазиятнинг барқарорлашишига раҳна солган.

Можаронинг ечими сифатида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва дипломатик муносабатлардаги таклифлари билан бир қаторда мухолифат кучлари орасида ақидавий ёндашувлар, мусулмонлар орасидаги такфирчилик, бошқа динларга нисбатан ксенофобик муносабатларни илдизлари билан қуритилиши масаласи ўртага ташланиши зарур.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Jenkins B. M. (2013). The role of terrorism and terror in Syria's civil war. RAND Corporation.
2. Kamak R. (2024). Religious factors in Syria.
3. O'Bagy E. (2012). Jihad in syria. Washington, DC : Institute for the Study of War.
4. Valter S. (2014). The Syrian War: religious & political representations //Syria Studies.
5. Альмехраз Х. (2018). Формирование и эволюция светской и религиозной оппозиции в Сирийском кризисе в период 2011-2016 гг //Тенденции развития науки и образования.
6. Аракелян Г. (2015). Сирийский кризис (истоки и современность).
7. Ахмедов, В. М. (2023). Сирийская революция.
8. Босин Ю.В. (2001). Роль и соотношение исламского и этнического факторов во внутриафганском конфликте //Ислам и политика. Москва.
9. Долама Х., Омельченко Н.А. (2024). Факторы развития и технологии урегулирования этнополитических конфликтов в арабских странах //Г72 Государство, власть, управление и право: материалы XIV.
10. Корчагина Е.В. (2020). Причины сирийского конфликта. версии и объяснения //Ответственные за выпуск: ВЛ Бопп, АВ Коломейцев.
11. Маршук Д.Н. (2014). Гражданская война в Сирии: внутривосточные аспекты проблемы //Глобальная и региональная безопасность в XXI веке. Екатеринбург.
12. Сайфиева А.И. (2016). Сирийский конфликт 2011-2016 гг. в освещении российских и американских электронных СМИ: дис.
13. Тренин Д. (2013). Россия и кризис в Сирии //Текст: непосредственный.
14. Шумилова Л.А., Гришин Я.Я. (2020). Виды радикальных исламистских группировок – участников гражданской войны в Сирии и их характеристика //Казанский вестник молодых учёных.
15. Яковлев А.И. (2015). Религия и религиозный фактор в эпоху глобализации /Восточная аналитика.

### REFERENCES

1. Jenkins, B. M. (2013). The Role of Terrorism and Terror in Syria's Civil War. RAND Corporation.
2. Kamak, R. (2024). Religious Factors in Syria.
3. O'Bagy, E. (2012). Jihad in Syria. Washington, DC: Institute for the Study of War.
4. Valter, S. (2014). The Syrian War: Religious & Political Representations. Syria Studies.

5. Almekhraz, Kh. (2018). Formation and Evolution of Secular and Religious Opposition in the Syrian Crisis (2011-2016). In Trends in the Development of Science and Education.
6. Arakelyan, G. (2015). The Syrian Crisis: Origins and Contemporary Issues.
7. Ahmedov, V. M. (2023). Syrian Revolution.
8. Bosin, Yu. V. (2001). The Role and Relationship of Islam and Ethnicity in the Afghan Internal Conflict. In Islam and Politics. Moscow.
9. Dolama, Kh., & Omelchenko, N. A. (2024). Factors in the Development and Technologies for Resolving Ethno-Political Conflicts in Arab Countries. In G72: State, Power, Governance, and Law: Proceedings of the XIV Conference.
10. Korchagina, E. V. (2020). Causes of the Syrian Conflict: Versions and Explanations. In Editors: V. L. Bopp, A. V. Kolomeytsev.
11. Marshuk, D. N. (2014). The Civil War in Syria: Domestic Political Aspects. In Global and Regional Security in the 21st Century. Yekaterinburg.
12. Saifeva, A. I. (2016). The Syrian Conflict (2011-2016) in Russian and American Electronic Media (Dissertation).
13. Trenin, D. (2013). Russia and the Crisis in Syria. Shumilova, L. A., & Grishin, Ya. Ya. (2020). Types of Radical Islamist Groups Participating in the Syrian Civil War and Their Characteristics. Kazan Journal of Young Scholars.
14. Shumilova L.A., Grishin Ya. Ya. (2020). Vidy radikalnykh islamistskikh gruppirovok – uchastnikov grazhdanskoy voyny v Sirii i ikh kharakteristika. In Kazanskiy vestnik molodykh uchenykh.
15. Yakovlev A.I. (2015). Religiya i religioznyy faktor v epokhu globalizatsii. In Vostochnaya analitika.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг  
профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# МОТУРИДИЙЛИК



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Фуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.